

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИДА ЎЙИННИНГ РОЛИ

**Курбонова Юлдуз Джумаевна**

Термиз давлат педагогика институти Мактабгача таълим  
методикаси кафедраси уқитувчиси  
тел: 93-9352941

**Аннотация:** Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйинлари турли туманликка эга бўлиб, бола ҳаётида асосий ўринга чиқади. Болалар ўйин орқали ҳаёт билан танишар экан ўз билимлари ва тажрибаларини ҳам бойитиб борадилар. Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожланишида ўйиннинг таъсири ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** ўйин, етакчи фаолият, таълим-тарбия, тажриба, ривожланиш, эҳтиёж, мулоқат, бола шахси, ўйин турлари.

Мактабгача ёш даври (3-7 ёш) да боланинг ҳар томонлама ривожланиши давом этади.

Болаларнинг жисмоний ривожланиши мустақилликнинг вужудга келиши учун зарур шароитлар яратади ва болаларда таълим-тарбия жараёнида ижтимоий тажрибани ўзлаштириш учун имкон туғилади.

Боғча ёшидаги бола психик жиҳатдан ҳам ривожланади. Боланинг психик ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи унда бир қанча эҳтиёжлар ривожланиши билан вужудга келувчи қарама-қаршиликлардир.

Бундай эҳтиёжларнинг асосийлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мулоқатга бўлган эҳтиёж ёрдамида ижтимоий тажриба ўзлаштирилади.

2. Ташқи таассуротларга бўлган эҳтиёж билиш қобилияtlари ривожланишини таъминлайди.

3. Ҳатти-ҳаракатга бўлган эҳтиёж турли-туман қўнишка ва малакалар системасини эгаллашга олиб келади.

Катталар ва тенгдошлари билан мулоқатга эҳтиёж бола шахсининг таркиб топишини белгилайди. Болада тенгдошлари билан мулоқатда бўлишга эҳтиёж ортади ва бу мулоқат бола ривожланишида мухим рол ўйнайди.

Мактабгача ёш даврига келиб боланинг асосий фаолияти бўлган ўйин бола психикасида сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради. Бу

фаолият асосида кейинги даврда етакчилик ролини бажарувчи ўқиш фаолиятнинг асослари қурилади.

Бола катталар ҳаётига интилиш эҳтиёжларни ўйин орқали қондира бошлайди. Ўйинда бола катталар ҳаётини, меҳнат жараёнларинигина эмас, улар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ҳам ифодалайди. Ўйинда бола фаолиятнинг у ёки бу турининг талаб ва ҳуқуқларини англаб етади. Ўйин давомида бирор ролни бажариш ўйин иштирокчиларини тартиб-интизомга ўргатади. Биргаликдаги фаолиятда болалар келишиб ҳаракат қилишга ўрганадилар. Ўйин иштирокчиларнинг муносабатлари жамоавийлик сифатларини таркиб топтириш билан бирга, боланинг ўз-ўзини англашини ҳам вужудга келтиради.

Ўйинда бола реал предметни ўйинчоқ билан ёки тасодифий нарсалар билан алмаштириш имконига эга бўлади. У фақат нарсаларни бошқа предметлар билан ўзгартирибгина қолмай, балки бирор ҳайвонни ёки буюмни ўзи билан алмаштириши мумкин. Масалан, бола турли ўтларни ёки қумни овкат пишириш учун масаллиқ сифатида ишлатиши мумкин.

Бу даврда ўйин символик характер касб этади. Бу эса психиканинг ривожланишида ҳал қилювчи давр ҳисобланади. Символларни қўллаш, бир обьектни бошқа обьект билан алмаштириш қобилияти туфайли болада идрок ривожланади.

Шуниси муҳимки, баъзи предметларни бошқаларнинг ўринбосарлари сифатида қўллаш бола ўйинида ҳамма нарсани тўғри келган предмет билан алмаштираверади, дейишга асос бўлмайди. Бола предметни бошқа предмет билан алмаштиришда, предметнинг хусусиятларига таянади. Ўйинда қум- гуруч ёки крупага, кесилган бокалашкалар қозончага айланиши мумкин.

Ўйин фаолияти билиш жараёнларининг ривожланишига таъсир этади. Масалан, ўйинда иҳтиёрий диққат ва хотира ривожланади. Агар бола ўйин ҳолатларига ўз диққатини қарата олмаса, уни ўйиндан чиқаришлари мумкин.

Ўйин вазияти коммуникатив қобилиятларни талаб этади. Бунга интилиш эса нутқнинг ривожланишига туртки бўлади.

Ўйин интелектуал ривожланишга ҳам таъсир этади. Ўйинда бола ҳаракат ва предметларни умумлаштиришни ўрганади. Ролли ўйинда фикран ҳаракат қилиш қобилияти ривожланади. Ролли ўйин орқали болаларда хаёлнинг ривожланиши кузатилади.

Үйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади. Үйнаётган болани кузатиб унинг қизиқишлигини, теварак-атроф түғрисидаги тасаввурларини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олишимиз мумкин. Үйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониктирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шундай экан, мактабгача ёшдаги болалар билан ҳар бир үйин-машғулотини тўғри режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Үйин машғулотларни режалаштираётганда ҳар доим мақсадни ҳамда машғулотдан кутилаётган натижаларни аниқлаб олиш лозим. Кейин эса мақсадга эришиш учун қайси үйин, топшириқ ёки машқдан фойдаланса яхшироқ самара бериши аниқланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида болалар билан қўйидаги үйин турлари ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълимий үйинлар (“лото”, “домино”, “лабиринт”) орқали болаларда дидактик материал билан ўтказиладиган үйинларда янги нарсаларни ўрганишга бўлган иштиёқини тарбияланади, нарсаларнинг ўлчами, шакли, ранги ҳақидаги тушунчалари бойийди, боланинг ҳар томонлама ривожланиши, билим жараёни, сенсор маданияти, нутқ фаолияти, ақлий қобилияtlари такомиллашади.

Воқеабанд – ижроли үйинлар болага таниш воқеалар, ҳаётий мавзулар, адабий асарлар бўйича қизиқарли үйинлар ташкил қилиш, ўзаро боғланган бир неча алоҳида ҳаракатларни (овқат тайёрлаш, столни безатиш, овқатлантириш) ягона бир мазмунга бирлаштириш, үйинчоқлар сонини кўпайтириш орқали үйин фаолиятини кенгайтириш ва бойитишга ёрдам беради.

Қурилиш үйинларини ташкил қилиш орқали болаларни қурилиш материаллари билан танишадилар ҳамда үйин жараёнида болаларга ўзларининг ғояларини рўёбга чиқариш учун имконият яратилади.

Ҳаракатли үйинлар боланинг ҳаракат фаолигини ошириш воситаси ҳисобланади. Үйинда боланинг фаол иштирок этишини таъминлаш, аста-секинлик билан мураккаброқ ва ҳаракат турларини ўзгартирадиган үйинларни жорий қилиб бориш, болани үйин қоидаларига риоя қилишга ўргатиб боришга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Сюжетли-ролли үйинларнинг шартли реал вазияти болага ўзига таниш ҳаётий образнинг қайта бажаришида ёрдам беради. Бола ҳаракатларнинг ўзидан, қуш ва ҳайвонларга тақлид қилишдан қувонади: қушчадек парвоз қиласи, қуёнчадек сакрайди, тойчоқдек чопади. Шунинг

учун ҳам үйин пайтида кулги, қувончли хитоблар эшитилиб туради ва үйин жараёни асосида боланинг оддий ижрочилик фаоллиги, үйин образига киришга дастлабки уринишлари қарор топади.

Хулоса қилиб айтганда бола үйнаб оламни ўрганади, ақлий, ахлоқий жиҳатдан камол топади, унда шахсий хислатлар шаклланади, дикқат, хотира, хаёл ва тафккур каби билиш жараёнлари ривожланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

- 1.Болалар психологияси ва психодиагностикаси.- 3.Т.Нишанова, Г.К.Алимова ва бошқалар. Тошкент-2017 йил.
2. Мактабгача Педагогика- Ф.Қодирова. Тошкент-2019 йил.
3. Болалар нутқини ўстириш назарияси ва методикаси-Д.Р.Бабаева, Тошкент-2018 йил
- 4.«Методы и приёмы обучения детей дошкольного возраста.- Курбонова Юлдуз ДЖумаевна, -LXXV International correspondence scientific fnd practical conference “European research: Innvation in science, eduation and technology - INTERNATIONAL CONFERENCE -2022
- 5.ГМ Алтибаева. Особенности организации взаимодействия дошкольного образовательного учреждения семьями воспитанников. Вестник современной наукиб 19-22
- 6.G Altibaeva .Processes Of Formation intellectual Abilities of Preschool Teachers Through innovative Technologies.Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences 3 18-21
- 7.Формирование трудового воспитания у детей дошкольного возраста. Г.У Холбоева, Р.Ж Окбоева - Евразийский научный журнал, 2018
- 8.Болаларини мактаб таълимига психологик тайёргарлиги.ГУ Холбоева - Новости образования: исследование в XXI веке, 2022
- 9.К.Х. Аллабердиева. Ижодий фаолликни шакллантиришга йўналтирилган интегратсиялашган таълим // Новости образования: исследование в XXI веке 1 (5), 419-423
- 10.K. Allaberdieva. The Main Neuropedagogic Possibilities Of Formation At Children Of Senior Preschool Age Of Creative Activity // European Journal Of Research And Reflection In Educational Sciences Vol 7,
11. Abdumajitova S. A. PRIORITY OF THE PERSON-CENTERED EDUCATIONAL MODEL IN PRESCHOOL EDUCATION //International Academic Research Journal Impact Factor 7.4. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 53-57.

12. Abduqasimovna, A. S. (2022). DIFFERENT VIEWS OF EASTERN THINKERS AND PEDAGOGUES-SCIENTISTS ABOUT THE CHILD AND HIS EDUCATION. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(5), 348-352.
13. Abduqasimovna, A. S. (2022). ATTENTION TO THE EDUCATION OF CHILDREN OF PRESCHOOL AGE AND REFORMS IN THE FIELD OF PRESCHOOL EDUCATION. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(5), 342-347.
14. Абдумажитова, С. А. (2019). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ У ДЕТЕЙ ЧУВСТВА ВРЕМЕНИ КАК ЭСТЕТИЧЕСКОГО ФЕНОМЕНА В ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ И МЕТОДИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (3), 81-83.
15. Abduqasimovna, A. S. (2022). <https://doi.org/10.5281/zenodo.6508403>. Results of National Scientific Research International Journal, 1(1), 265-269.